

Истиқлол йилларида республикамизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида кенг қўлланилган амалга оширилди. Пировардида юрт равнақ топиб, эл фаровонлиги юксалди. Энг муҳими, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарор давлат сифатида дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди.

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, маҳсулот сифати янада яхшиланиб бормоқда

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай муваффақиятларга эришишда юртимизда саноат ва унинг тармоқлари жадал ривожланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент вилоятидаги "Тўйтепа металл қурилмалари" очик акциядорлик жамиятининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш натижасида корхонамиз бир йилда 50 минг тонна металл конструкциялари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди, — дейди жамият бошқаруви раиси М. Юсупов. — Айни пайтда, жаҳон стандартларига тўла мос келувчи маҳсулотларимиз хориз давлатларига ҳам экспортга чиқарилмоқда. Турли кесим ва ўлчамдаги яхлит деворбоп, панжарасимон устунлар, типли ёки индивидуал, қўшталри, қувурдан ясалган фермалар, тўсин ва ригеллар, панжарабоп ҳамда яққа боғламалар ва бошқа қурилмалар материаллар эса ички бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, бизда йирик иншоотлар, спорт ва тижорат мажмуалари учун антенна мачталари, ЛЭП таянчлари, газ қувурлари ва тармоқлари, осма кўприкларни бунёд этишда фойдаланиладиган зарур қисмлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Айтмоқчиманки, маҳсулот



ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунончи, 2008 йилда 2370 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу борадаги курсаткич 3649 тоннани ташкил этди.

Жамоа ахли, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Халқаро анжуманлар саройи, "Пойтахт" бизнес маркази, Банклар ассоциацияси, "Чорсу" бозори ва меҳмонхонаси мажмуалари, Темирийлар тарихи давлат му-

зеи, Модалар уйи, Давлат цирки бинолари, "Ўзбекистон", "Универсал", "Жар" сингари замонавий спорт иншоотлари, шунингдек, "Ўзбекистон" шохқўчасида қад ростлаган кўп қаватли уйлари бунёд этишда ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлардан кенг

жамоа ўзига билдирилган ишонч-ни ёруғ юз билан оқлаб келаяпти. Бу ерда ташкил этилган ўқув маркази эса мутахассисларнинг малакасини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Корхонадаги металл қайта ишловчи замонавий асбоб-ускуналарнинг ишлаш жараёни билан қизиқамиз. Масалан, Япониянинг "Кавасаки" компаниясидан келтирилган, бошқарув дастурига эга замонавий линияда икки таврли блок ва швеллер ишлаб чиқарилмоқда. "Кристалл" машинаси Россиядан олиб келинган. У автомат тизимига эга бўлиб, мураккаб шакллардаги деталларни кесиш, лист чиқариш, пармалаш, буқиш, ёйиш каби муҳим жараёнларда қўл келмоқда. Йиғиш ва қаварлаш цехидаги ишлар ҳам жаҳон стандартларига хос ташкил этилган. Бу ерда маҳсулотлар Россиянинг "Lincoln Electric" компанияси асбоб-ускуналари ёрдамида янада тўқис ҳолатга келтирилса, бўяш ва юклаш цехида металл конструкцияларга сайқал берилди. Асосийси, барча бўлимлар тўлиқ компьютерлаштирилгани ишни ўз вақтида, сифатли бажариш имконини бермоқда.

Завод ишчи-хизматчиларининг моддий-маиший шароитини яхшилаш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, барча қулайликларга эга 700 кишилиқ ошхона, 500 кишилиқ ювиниш мажмуаси, мактабгача таълим муассасаси, дам олиш базаси, болалар ижодиёти маркази ва спорт-соғломлаштириш мажмуаси уларнинг ихтиёрида. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнида муҳим омил бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, "Тўйтепа металл қурилмалари" очик акциядорлик жамияти жамоаси бугунги кунда юрт равнақи ва эл фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Х. ШАМШИЕВА.

ДИЛЛАРГА ХУШНУДЛИК БАҒИШЛАЙДИ

Аҳолига сифатли ун ва нон маҳсулотлари тортиқ қилаётган "Дон — халқ ризқи" акциядорлик жамияти жамоасига шундай таъриф беришмоқда.

Сир эмас, дунёнинг баъзи мамлакатларида қиллоқ хўжалиғи маҳсулотлари, хусусан, галла кам етиштириляётгани туфайли озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётир. Шундай бир шароитда республикамизда, бу йил ҳам 6 миллион 800 тонна дон етиштирилиб, галла мустақиллигимиз мустаҳкамланди.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тасарруфидоги 44 та корхона ҳамда улар таркибидоги 200 дан ортиқ дон қабул қилиш шохобчалари давлат эътиёжи учун сотиб олинган дон ва уруғликни жойлаштириш, сақлаш, истеъмолчиларга юқори сифатли ун, нон, ёрма, омихта ем сингари маҳсулотлар етказиб бериш билан шуғуллан-

йўлланган табриқда алоҳида эътироф этилган жамоамизга қувонч бағишлади.

Деҳқонлар билан хом ашёни қайта ишловчилар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани, айниқса, ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олишда қўл келди. Акциядорлик жамиятига қарашли бешта дон қабул қилиш масканида шартномада белгиланган

наслчиллик бирлашмаси билан тузилган шартномага кўра, икки ярим йил муқаддам Украинадан 15 бош эотдор қорамол сотиб олинганди. Хозирги пайтга келиб, уларнинг сони 70 бошдан ошди. Сигирлардан соғиб олинаётган сут микродори тобора кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, 30 мингта жўжа харид қилиниб, паррандачилик ҳам йўлга қўйилди.

Кейинги пайтда жамиятда нафақат модернизациялаш, балки кенг қўлланил бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, дон маҳсулотларини сифатли сақлаш мақсадида "Ўздонмаҳсулот" ком-



микдордаги галла жамғарилди.

Маълумки, донни қуриштириб-тозалаш, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда сақлаш, сифатли қайта ишлаш корхона мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди. Бунга чўқур ҳис қилган ишчи-ходимлар, муҳандис ва мутахассислар донни пешма-пеш қайта ишламоқдалар. Мазкур жараёнда ҳосил бўлган кепак бошқа зарур моддалар билан тўйинтирилиб, омихта ем ишлаб чиқариляпти. Корхона жамоаси 2011 йилнинг ўтган даврида 10 минг тоннадан зиёд шундай чорва озуқаси тайёрлаб, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларга етказиб берди.

Шу ўринда жамоа республика ҳукуматининг саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига озиқ-овқатни, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш борасидаги топшириғи ижросини изчил таъминлаб келаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Гап шундаки, Қашқадарё

паниясининг мақсадли қурилиш дастурига қиринтирилган 10 минг тонналик ёпиқ сиғим қуриди. Бунинг учун 560,4 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Яқинда 7 минг тонналик яна бир ёпиқ сиғим қурилиб, ишга туширилгани диққатга сазовордир.

Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши, кўп жиҳатдан, сифатли уруғликка боғлиқ. Шунинг учун бу ерда уруғлик тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Россиядаги "Воронжесельмаш" ОАЖ корхонасидан 88,5 минг АҚШ доллари қийматидаги донни саралаш линияси олиб келиниб, ўрнатилди.

Шу билан бирга, аҳолининг сифатли нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида Германиянинг "ВАХТЕЛ" русумли нон ишлаб чиқариш цехи линияси келтирилиб, ишга туширилди. Лойиҳа қиймати 200 миллион сўм бўлган мазкур цехта бир кеча-кундузда 3 тонна ундан қўлипти нон тайёрлаш йўлга қўйилди.

...Пештоқиға "Дон — халқ ризқи" акциядорлик жамияти" деб ёзилган корхона дарвозасидан чиқиб, турли манзилларга пешма-пеш йўл олаётган юк машиналарига назар ташласангиз, уларга ун, омихта ем, нон ва бошқа маҳсулотлар ортилганлигининг гувоҳи бўласиз. Демак, савдо дўконларига, умумий овқатланиш шохобчаларига ва бошқа жойларга ризқ-рўз юборилмоқда. Бу — халқимиз турмуш фаровонлигининг ифодаси сифатида дилларга хушнудлик бағишлайди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

«ИПОТЕКА-БАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
ИПОТЕКА БАНКИ

бино ва иншоотларни сотиш бўйича танлов эълон қилади.

Бино ва иншоот: умумий майдони — 5702 м², 4 қаватли маъмурий бино, 2 қаватли омборхона, гараж, шийпон ва қоровулхонадан иборат.

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Богобўстон кўчаси, 248-уй.

Бошланғич баҳоси — 2 965 000 000,0 сўм.

Танловга аризалар 2011 йил 14 октябрь соат 16.00 гача қабул қилинади.

Бино ва иншоотларни сотиб олиш бўйича хариддорларнинг таклифлари муҳрланган конвертларда тақдим этилиши лозим.

Изоҳ: танловда иштирок этувчи хариддорларга ўз маблағлари ҳисобидан олдиндан камида 15 фоиз бошланғич бадал тўлаш шарти билан, 5 йилгача ойма-ой бўлиб тўлаш ва 6 ойлик имтиёзли давр асосида сотиб олиш имкониятлари мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-70-78, 150-23-24.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 11 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризжий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1725,79
1 Англия фунт стерлинги	2739,20
1 Дания кронаси	317,79
1 БАА дирҳами	477,63
1 АҚШ доллари	1754,21
1 Миср фунти	294,28
1 Исландия кронаси	14,98
1 Канада доллари	1699,65
1 Хитой юани	276,20
1 Россия рубли	54,48
1 Украина гривнаси	220,03
1 Малайзия рингити	559,20
1 Польша злотийси	543,37
1 СДР	2733,95
1 Туркия лираси	954,41
1 Швейцария франки	1905,30
1 евро	2336,88
10 Жанубий Корея вони	15,00
10 Япония иенаси	228,62

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.





ACCENT

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11



ЮРАККА МАЛҶАМ, ТАНГА ДАРМОН

Табобат илмининг султони, буюқ аждодимиз Ибн Сино агар чанг ва гўбор бўлмаса, инсон минг йил яшар эди, деган хулосага келган экан. Бобокалининг бу қанотли ибораси атроф-муҳитни асраб-авайлаш, одамларни соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва ҳаётдан завқланиб, роҳатланиб яшашга даъват этади.

Албатта, ҳар ким узоқ умр кўриши, бахтли ва саодатли ҳаёт кечириши, орзу-ниятлари рўёбга чиқиши истаиди. Аммо бу истақлар фақат кўнгил хоҳиши билангина амалга ошмайди. Қачонки, инсон кадр-қиммати улуғланса, турмуш тарзимизда соғлом муҳит ҳужумрон бўлса, шундагина умрнинг мазасини тотиш, мазмун ҳақида сўз юритиш мумкин. Бу ҳақиқатни биз истиқлол туфайли янада тереанроқ аниқлаб етдик. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ эл саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сийсати даражасида эътибор қаратилиб, бу борада ҳавас қилса арзиғулик натижаларга эришилмоқда.

Марказда 10 та махсус кардиологик бўлим иш олиб бормоқда. Ушбу бўлимларда артериал гипертензия, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги каби хасталиқлар самарали даволанапти. Жорий йилда эса шифо масканининг кунига 250 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган, замонавий қулайликлар яратилган янги маслаҳат-ташхис поликлиникаси ишга туширилди.



Манрақалар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Ўзбекистоннинг "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилган энг илғор етакчи ўн мамлакат сафидан жой олганлиги ана шундай эътиборнинг аниқлиги. Манрақалар бир эътибор беринг-а: йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ қарайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узашиб, эркеклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди. Бу, Ўрта-Шимол раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган оқилона сийсатнинг ҳаётий ҳосиласи, албатта.

Кардиология соҳасида илғор технологияларнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада биз, шифокорлар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Мутахассимимиз юрак-қон томир касалликларини ташхислашда ишла-тиладиган био-қиммий аппаратлар, юракнинг қон ҳайдаш жараёнини экранда кўрсати-туви эхокардио-граф, ички аъзоларни текшири-диган ультратовуш жиҳозларидан унумли фойдаланишмоқда. Марказимизда 2008 йилдан бошлаб Марказий Осиёда биринчи бўлиб, юрак аритмиялари-нинг мураккаб

ҳам олимларимиз ижобий натижаларга эришмоқдалар. Шифо масканимизда юрак-қон томир хасталиқларига чалинган беморларнинг руҳий ҳолатини янада яхшилаш, миани қон билан таъминлаш, бош мианинг ички босимини назорат қилиш ва даволash борасидаги юмушлар ҳам намунали йўлга қўйилган. Умуман, марказда ҳар йили юрак-қон томир касаллиқлари-га чалинган етти миң нафарга яқин беморлар даволанмоқда. Маслаҳат-ташхис поликлиникасида эса йил-дан 30 миңга яқин кишига амбула-тор широтида юксак малакали тиб-бий хизмат кўрсатилади.

Марказ маъмурияти республика миқёсда кардиология хизмати-ни янада яхшилаш ва ривожлантири-шга муносиб ҳисса қўиш мақсадида иш олиб бормоқда. Қорақалпоғис-тон Республикаси ва вилоятлардаги кардиология диспансерларини

Мамлакатимиз тиббиётининг жаҳон андозалари даражасида ривожланганлиги ихтисослаштирилган марказлар фаолияти мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ташкил этилган Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази (РИКМ) ана шундай масканлардан биридир. Салоҳияти нуқтан назаридан Марказий Осиёда ягона саналган мазкур марказда бугун 12 нафар фан доктори, 37 нафар фан номзоди, 26 нафар олий тоифали шифокор фаолият юритмоқда. Улар юртимиз кардиология соҳасининг турли йўналишларида энг етакчи мутахассислар ҳисобланишади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Фахр

малакали кадрлар, илмий-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, да-волаш ҳамда профилактика тадбир-ларида амалий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифалар шулар жум-ласидандир. Бугунги кунда мақсад-ли клиник ординатура ва аспиран-тура бўйича ёшларга илмий-амалий жиҳатдан таълим бериб, жойларда-ги шифо муассасалари учун кадр-лар тайёрлаш масаласига ҳам жид-дий эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда биргина кейинги беш йил мобайнида 77 нафар мутахассис тайёрланди. Уларнинг касбий мала-касини янада ошириш, илмий тад-қиқотларини амалиётга таътиб этиш борасида эса марказда ҳар йили республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманлар, семи-нар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Халқаро юрак федерацияси (ХЮФ) ташаббуси билан 1999 йил-дан бошлаб ҳар йили сентябрь ойи-нинг охирига яқинлашиб "Халқаро юрак кун" сифатида нишонланади. Ушбу сана муносабати билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкор-лигида юздан зиёд мамлакатларда турли анжуманлар, форумлар, кўрғазма ва фестиваллар, турли спорт мусобақалари ўтказилди. Бундай тадбирларда шифокорлар, кардиологик клиникалар, диспансер-лар, жамоатчилик ташкилотлари, олий таълим даргоҳлари, мактаб жа-моалари иштирок этади. Республи-ка ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳам мазкур халқаро тадбир-да фаол қатнашиб келмоқда. Жум-ладан, яқинда марказнинг маслаҳат-ташхис поликлиникасида "Очиқ эшиклар" хайрия кун ташкил этил-ди. Шу кун шифокорларимиз то-монидан 160 нафар бемор қабул қилинди. Улар ҳар томонлама тек-ширувлардан ўтказилди ва ташхис қўйилиб, тегишли маслаҳатлар бе-рилди. Бундан мақсад — аҳоли са-ломатлигини мустаҳкамлаш йўлида-ги эзгу саяё-ҳаракатлар қўланини янада кенгайтиришга ҳисса қўиши-дир. Энг муҳими, марказимиз бун-дан буён ҳам эл соғлиқини асраш, соғлом ва фаровон келажақ пайде-ворини яратишда ўзининг хайриги та-шаббусларини илгари сураверади.

Озод Хўжаев,
Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Кураш ватани — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақил-лигининг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилган бу галги мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатдан келган энг сара полвонлар ғолиблик учун куч синачиди. Мусобақа иштирокчилари орасида жаҳон ва қитъа чемпионатларида маҳорат кўрсатган полвонларнинг қўлиги белла-шувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ФРАНЦИЯДА БЕЛЛАШДИ

Учинчи мартаба ташкил этилган халқаро турнирнинг эркеклар ўртасидаги баҳсларининг 60 килограмм вази тоифасидаги финал учрашувида ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Олим Равшанов сене-галлик полвон Иброҳим Диопни мағлубиятга учратиб, олтин ме-дални қўлга киритди. Иброҳим Диоп халқаро турнирнинг қумуш медали билан тақдирланган бўлса, франциялик полвонлардан Же-ром Жени ва Франк Спенсга бронза медаллари топширилди.

73 килограмм вази тоифасида ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасида ўзбекистонлик полвон Давлат Абраев кўтарилди. Истеъдодли курашчимиз хал қўличи беллашууда Жанубий Афри-ка Республикаси вакили Стивен Де Витт устидан галаба қозонди. Ҳамюртимиз Арслон Маҳмудов ва франциялик Жилан Альберти учинчи ўринни эгаллади.

90 килограмм вази тоифасида гиламга чиққан полвонларнинг финал баҳсида икки вақимизда — Шўҳрат Арслонов ва Валжон Очиллов ўртада беллашди. Шўҳрат полвон биринчи ўринга лойиқ топилди. Валжон Очилловга қумуш, Бехзод Турабоев ва мезбон-лар вакили Морган Хабаскка бронза медал таъдирилди.

Мутлақ вази тоифасида эса совринли ўринлар грециялик Василеос Илиадис, Дионисос Илиадис, франциялик Адриэн Пин ва Морган Хабаскка насиб этди.

Хотин-қизлар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Мадинахон Салоҳиддинова 63 килограмм вази тоифасида қумуш, мутлақ вази тоифасида эса бронза медали қўлга киритди. Ўзе-бекистонлик курашчи қизлардан Сайёра Мухаммадиева ҳам 52 кило-грамм вазидаги баҳсларни иккинчи ўринда якунлади.

Уч вази тоифасида ўтган хотин-қизлар мусобақасида мезбон-лардан Саманта Ле Ковген иккита, Фани Рубоф битта олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, франциялик Амели Жильмо қумуш, Жустин Жени, Катя Ажауд, Аурель Жильмо ва португалиялик Роксана Ферейра бронза медал билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖУМЛАРИНИНГ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРДАН 30 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

11. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал ишти-рокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгарти-ришлар ва қўшимча қилиш тўғ-рида» Ўзбекистон Республика-си Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 28 августдаги 2011-13-сонли буйруғи.

2011 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-4 (2011 йил 6 октябрдан қучга қиради).

12. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари бит-тимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгарти-риш қилиш ҳақида» Ўзе-бекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 28 августдаги 2011-15-сонли буйруғи.

2011 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-2 (2011 йил 6 октябрдан қучга қиради).

13. «Депозитарийнинг фа-олиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги ни-зомга қўшимчалар қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 28 августдаги 2011-14-сонли буйруғи.

2011 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 809-5 (2011 йил 6 октябрдан қучга қиради).

14. «Телекоммуникация хиз-матларидан олинмаган даро-мадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзе-беке-телеком» акциядорлик компа-ниясининг бухгалтерия ҳисоби-да акс эттириш тартиби тўғри-сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Респу-бликаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 19 августдаги 55, 2011-28, 04-8/3508-сонли қарори.

2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268 (2011 йил 7 октябрдан қучга қиради).

15. «Хорижий давлат ҳуду-дида вафот этган шахсни Ўзе-бекистон Республикаси

қистон Республикаси ҳудудида дафн этишда қўмақлашиш тар-тиби ҳақидаги низомни тасдиқ-лаш тўғрисида» Ўзбекистон Рес-публикаси Ташқи ишлар вазири-лиги, Ички ишлар вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги, Адлия вазирлиги, Миллий ҳавф-сизлик қўмитаси, Давлат боҳжо-на қўмитасининг 2011 йил 27 сентябрдаги 3, 9, 20, 24, 15914, 01-02/12-18-сонли қарори.

2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2269 (2011 йил 7 октябрдан қучга қиради).

16. «Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат бюджетидан маблаг билан таъминлана-диган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини ту-зиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тас-диқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазири-нининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли буйруғи.

2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2270 (2011 йил 7 октябрдан қучга қиради).

17. «Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат бюджетидан қў-риб олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштириш-га қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларни, шунингдек, 1-сон ўзгартириш ва қўшимча-ларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида-ги Солиқ, валютга оид жино-ятларга ва жиноий даромад-ларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бо-шлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2030, 2009 йил 3 ноябрь), 2010 йил 6 ноябрь».

Адлия вазирлигининг 2011 йил 22 сентябрдаги 191-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республика-си давлат бюджетидан маблаг билан таъминланадиган таш-килотларнинг ойллик, қораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботла-рини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоида-лар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1865, 2008 йил 13 октябрь).

Адлия вазирлигининг 2011 йил 27 сентябрдаги 205-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонун-чиликка ўзгартириш қилиш ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ОБ-ҲАВО (11 октябрь)



Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 9-14, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутирмайди. Кечаси 9-14, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Кашкадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутирмайди. Тунда 9-14, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қутирмайди. Ҳарорат тунда 9-11, кундузи 24-26 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.



КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ



GRUNDFOSNING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ
Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90, (+998 71) 150-32-91, (+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

«КО»СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 30 апрелдаги 16-1105/3264-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Мингбулок тумани бўлими томонидан хатланган, «Мингбулок транс экспресс» хусусий корхонасига қарашли бино ва иншоотлар қўйилди.

Аукцион савдосига 2011 йил 14 ноябрь кунини соат 11.00 дан бошлаб Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй. Тел.: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.




Реклама ва эълонлар

ГРУППА ГАЗ
РАСМИЙ ДИЛЕР «SARDOR AVTO INVEST» ДАН «ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС» АВТОМОБИЛЛАРИ

- ГАЗ-32213 «Газель Бизнес» Микроавтобус 15 ўриндиққача, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. **Янгилик!**
- ГАЗ-2705 «Газель Бизнес» Яхлит металл қўймали фургон, 3, 7 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. **Янгилик!**
- ГАЗ-3302 «Газель Бизнес» Тентли юк машинаси, 3, 6 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. **Янгилик!**
- ГАЗ-330200 «Газель Бизнес» Саноат, озиқ-овқат моллари учун изотермик фургон, 3 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. **Янгилик!**

«ГАЗ» АВТОСАЛОНИ
Тошкент ш., Сергели тумани, Янгисергели кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-01-81. Веб-сайт: WWW.SARDOR.AVTO.UZ

Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти жамоаси Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, лаборатория мудири, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, профессор **Убайдулла НАСИРИЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУХЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамдод.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Шералиев.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00